

Илк бор диссертация ҳимоясисиз фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ТИҚХММИда ҳимоя қилинди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қарори билан тасдиқланган “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ” нинг 1-боб 5-бандига муфовиқ, муҳим илмий янгиликлар олган ва импакт-фактори тегишли даражада юқори ва рўйхат бўйича халқаро тизимга кирган илмий журналларда камида 6 та илмий мақола чоп эттирган мутахассисга эксперимент тариқасида диссертация ҳимоясисиз фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш мумкинлиги қайд этилган. Ушбу талабни Республикада биринчилардан бўлиб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида 08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ихтисослигининг 2-йил таянч докторант Салаходжаев Рауфхон Фарходхонович и.ф.д., профессор Ў.П.Умурзаковнинг илмий раҳбарлигига бажарди.



Ёш олим Р.Ф.Салаходжаев ТИҚХММИ ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 17 февралдаги мажлисида диссертация ҳимоясисиз фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун «Қишлоқ хўжалигига табиий-иклим ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишда инсон ва ижтимоий капиталнинг роли» мавзусидаги тайёрлаган автореферати тақдимотини ўтказди. Илмий даражага талабгор ўзининг тақдимотида тадқиқот натижалари бўйича ижтимоий ва инсон капитали омилларининг табиий-иклим ўзгаришига таъсирини баҳолаш асосида қишлоқ хўжалигига ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва экотизимлар барқарорлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқсан. Жумладан:



-илк бор ижтимоий капитал (“сабрлилик”, “индивидуализм”, “миллий ишонч”) ва ўрмон майдонлари ҳажмининг ўзгариши ўртасидаги барқарор ижобий ўзаро боғлиқлик назарий ва эмпирик жиҳатдан асослаб берилган;

-инсон капитали, ЯИМ, демократлашув, урбанизация, иқтисодиёт тузилмасининг ўзгариши ва глобаллашув таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрмон ресурсларининг ўзгариши омилларини изоҳловчи эконометрик модель таклиф этилган;

-инсон капитали, инсон саломатлиги ва экотизимнинг барқарорлигини белгилаб берувчи омиллар аниқланган;

-демографик юклама ва глобаллашув бўйича қишлоқ хўжалигига табиий ресурслардан фойдаланиши мақбуллаштиришнинг сценарий варианtlари ишлаб чиқилган.



Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глобал иқлим ўзгаришлари шароитида қишлоқ хўжалигига табиий-иклим ресурсларини самарали бошқаришнинг иқтисодий-экологик жиҳатларининг асосланганлиги, инсон ва ижтимоий капиталнинг табиий-иклим ресурсларига таъсир даражасини баҳолаш методикасини такомиллаштирилганлигидан, амалий аҳамияти когнитив қобилиятлар ва экологик қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида ўрмон ресурсларини самарали бошқариш ҳамда экологик билимларни оширишга, табиий-иклим ўзгаришлари оқибатларини камайтиришга қаратилган маҳсус концепциялар, мақсадли дастурлар ишлаб чиқишга хизмат қиласди. Илмий ишлар натижалари бўйича Scopus ва Web of Science илфор илмий журналларида 8 та илмий мақола нашр этилган.



ТИҚХММИ матбуот маркази